

# **Қадимги юонон мифологияси (2-Қисм)**

## **Қадимги юонон мифологияси (2-Қисм)**

[https://t.me/wikipediya\\_1](https://t.me/wikipediya_1)

### **Нюкта ва Эребнинг болалари:**

**Эфир** (Қадимги грекчадан - «*тоғ ҳавоси*») - Қадимги юонон мифологиясида ҳавонинг энг юқори Қисми (осмон) худоси. Эфир осмоннинг энг юқори Қисми сифатида- бу худолар нафас оладиган ва яшайдиган ҳавонинг юқори (*тоғли*), энг енгил (*нозик, сийрак*), шаффоғ ва ёрқин Қатлами, осмоннинг юқори Қатлами.



## Эфир

*Гемера (Қадимги грекчадан - «күн») юнон мифологиясида күнни ифодаловчи күндүз маъбудаси. Рим мифологиясида - Діес.*

*Акаси ва эри Эфир*

*Болалари - Уран, Гея, Тартар ва Таласса*



Гемера

## Эгизак ака-укалар Гипнос ва Танатос

**Гипнос** - Қадимги юон мифологиясида уйқунинг тимсоли, уйқу ва тушларнинг худоси, Нюкта ва Эребуснинг ўғли. Юон ёзувчиси Гесиоднинг сўзларига кўра, Гипнос дунёнинг чеккасида яшайди. Гомернинг сўзларига кўра, у Лемнос оролида яшайди ва Зевснинг хабарчиси сифатида ишлаган. Қадимги юон мифологияси маъбуласи Гера, Геркулесни таъқиб қилишида Зевс ҳалақит бермаслиги учун Гипносдан Зевсни ухлатишни сўрайди. Зевс бундан ғазабланади ва Гипносни жазоллашни ҳоҳлаганида бу йўлдан унинг онаси Нюкта Гипносни қутқариб

**Қолган. Гипнос иккинчи марта ҳам Зевсни Геранинг илтимосига кўра трояликлар билан жсангда Ғалаба Қозониши учун ухлатишини сўрайди ва бунинг эвазига Пасифеяни унга хотинликка беришига ваъда берган.**

**Фарзандлари - Морфей, Фобетор, Фантас.**



**Гипнос**

**Танатос , Танат, Фанат** (Қадимги грекчадан - «ўлим») - юнон мифологиясида ўлим тимсоли, Нюкта ва Эребнинг ўғли, Гипноснинг эгизак акаси. Дунёning чеккасида яшайди. Танатос ҳақида «Илиада» да маълумотлар келтирилган. Сизиф томонидан алданади. (занжирбанد Танатосни Арес Қутқариб қолади). Танатос темир юракка эга ва бошқа худолар томонидан ёқтирилмаган. Танатос кўпинча ёш ўсмир, Қанотлари бор Қўлида машъала ёки Қилич билан тасвирланган.

*Ака-укалари - Гипнос, Харон, Онир*

*Боласи - Линк*



Танатос

### **Моиралар:**

Юнон мифологиясидаги тақдир маъбудалари. Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» шеърларида моиралар худога бўйсунмайдиган шахссиз зарурат сифатида тилга олинган. Дастрраб, ҳар бир инсоннинг ўз моираси борлигига ишонишган. Улардан энг кенг тарқалгани З опа-сингил моиралар.

**Клото ёки Клофо** (юнонча - «тўқувчи») ҳаёт ипини йигиради. Опа-сингил моираларнинг энг кичиги. Платон унга, оқлибосда, баланд стулда ўтирган, бошига гулчамбар қўйган, зарурият урчуғида ип йигираётган ва **Хозирги кун Ҳакида** қўйлаётган деб тасвирлаган.

**Лахесис** ёки **Лахеса** (юонча - «тақдир») ҳаёт ипининг узунлигини ўлчайди ва тақдирни белгилайди. Опа-сингил моираларнинг ўртанинг баланд стулда ўтирган, бошига гулчамбар Қўйган, зарурият урчуғида ип йигираётган ва ўтмиши **Ҳақида куйлаётган** деб тасвирлаган.

**Атропос** ёки **Атрона** (юонча - «муқаррар») ҳаёт Қачон тугашини ҳал қиласди. Опа-сингил моираларнинг энг каттаси. Платон ўзининг «Давлат» диологида моираларга, Клото (**Хозирги**), Лахесис (**ўтмиш**) ва Атропос (**келажак**) дея таъриф бериб ўтади.

Рим мифологиясида опа-сингил моиралар, **паркалар** деб аталиб, уларнинг таркиби **Нона** (Клото), **Децима** (Лахесис) ва **Морта** (Атропос) лардан иборат.



## Моиралар

**Мом** (юнонча - «масхара Қилиш») Қадимги юнон мифологиясида масхара, туҳмат, танқид худоси. Нюкта ва Эребуснинг ўғли, Гипноснинг акаси. Зевс Момнинг маслаҳатига кириб Троя урушига руҳсат беради, кейинчалик Олимпдан ҳайдалади.



MOM


## **Немезида ёки Немесида (Қадимги юонча - «Қасос»)**

- Қадимги юон мифологиясида ижтимоий ва ахлоқий тартибни бузғанлик учун жазоловчи Қанотли Қасос маъбудаси. Отаси Эреб ёки Океан, онаси Нюкта ёки Тефида. Болалари Телхинлар ва Соҳибжамол Елена.



Немезида

**Эрис ёки Эрида (Қадимги юонча - «кураш», «жсанг», «тортишув», «адоват», «ракобат»,) Қадимги юон мифологиясида келишмовчилик, тартибсизлик ва нифоқ маъбудаси. Пелея ва Фетидаларнинг тўйида «энг гўзалга» ёзуви бўлган олтин олмани ташлаб нифоқ кўтарган афсона билан машҳур,**



## Эрида

**Эринии** (Қадимги юнонча - «баджасұл») Қадимги юнон мифологиясида Қасос ва нафрат маъбудаси. Рим мифологиясида Фурии. Отаси Кронос ёки Скотос. Онаси - Эвонима



## Эриини

**Ата ёки Атэ, Ате** (Қадимги юонча - «жиноят», «муаммо», «бахтсизлик») - Қадимги юон мифологиясида оғатлар маъбудаси. Одамларнинг онги ва Қалбини кўр Қилиб, саросимага солиб, уларни жиноятга ундаиди. Бепарволик Қилишга ундаиди, натижада турли оғатларга олиб келади. Нифоқ ва лаънатнинг ёвуз руҳи, унинг ягона машғулоти зарар этказишидир. Отаси - Зевс, Онаси - Эрида




## Ата

**Апата** - Қадымги юнон мифологиясида ёлғончилик маъбудаси, Нюктанинг отасиз туғилган Қизи. Зевсинг онгини эгаллаб олгани сабабли, Олимпдан ҳайдалган. Пандора Қутиси ҳақидаги афсонада Апата озодликка чиқарылган ёвуз руҳлардан биридир.



## Апата

**Лисса** (Қадимги юонча - «жиннилик», «итдек Құтурған») - Қадимги юон мифологиясидаги мабуда, Құтуриш ва телбалик тимсоли. Уран ва Нюктанинг Қизи.



fox.reactor.cc

## Лисса

**Понт (Қадимги юонча - «дарё») - Қадимги юон мифологиясининг Қаҳрамони, ички денгиз худоси Гея ва Ураннинг ўғли. Болалари - Нерей, Тавмант, Форкий, Кето, Еврибия, Тельхинлар, Галия, Лик, Дамон, Кефисс, Адмето, Эгеон ва Кефей.**




## Понт

**Кето** - юнон мифологиясидаги маъбуда, унинг номи «китос» (Қадимги юнонча - «денгиз йиртқичи») сўзидан келиб чиққан бўлиб, русча «кит» сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Понт ва Геяниг Қизи, Эри - Форкий. Кетонинг ташқи кўриниши турли афсоналарда турлича тасвирланган. Баъзиларида у гўзал аёл (Гесиоднинг фикрича «ёноқлари гўзал»), баъзиларида у дengiz даҳшатларини ўзида мужассам этган ва туғилишдан бери хунук кампир кўринишида. Кето чуқур дengiz маъбудаси, шунингдек, бу чуқурликларда яшайдиган йиртқич ҳайвонлар билан озиқланади. Афсоналарнинг баъзи версияларида Кетонинг ўзи ҳам чуқурлик йиртқич ҳайвони эди.



© Anne Stokes - [www.annestokes.com](http://www.annestokes.com)

**Нерей** - Қадимги юнон мифологиясидаги сокин денгиз худоси, Эңг севимли ва Ҳурматли худоларидан бири. Мегрибон, доно,adolатли чол, сокин денгиз тимсоли, денгизчиларга хавфсиз саёҳатни таъминлайди. Отаси - Понт. Онаси - Гея ёки Тефида, Хотини - Дорида,



Нерей

**Тавмант** - Қадимги юонон мифологиясида денгиз мұйыжизалари худоси, сув ости деви, Гея ва Понтнинг боласи, Хотини - Электра.



Тавмант

## **Форкий, Форкис, Форк Қадимги юон**

мифологиясида хтоник денгиз худоси, бўронли денгиз худоси, мўъжизалар худоси. Гея ва Понтнинг боласи. Хотини - Кето. У хотини Кето билан биргаликда барча денгиз бўроnlари ва даҳшатларини бошқариб, денгиз йиртқич ҳайвонларини келтириб чиқарадилар.



## **Форкий**

**Еврибия (Қадимги юонча «кенг» ва «куч» сўзлари Қўшилишидан ҳосил бўлган)** - Қадимги юон мифологиясида денгиз худоси, денгиз Қудрати тимсоли, Гея ва Понтнинг Қизи. Эврибиянинг ака-ука ва опа-сингиллари - Нерей, Тавмант, Форкий ва Кето денгиз худолари. Эврибия уларнинг энг кичиги ва унинг Қалбида темир жон бор эди.

PDF's generated at: Tue Apr 11 2023 10:04:36  
GMT+0000 (Coordinated Universal Time)

Source: <https://telegra.ph/%D2%9Aadimgi-yunon-mifologiyasi-2-%D2%9Bism-03-23>